



HARAKATLAR STRATEGIYASI
2017-2021

II XALQARO ILMII-AMALIY KONFERENCIYA

Ўзбекистон Республикаси ҳаракатлар
стратегияси: макроиқтисодий
барқарорлик, инвестицион фаоллик ва
инновацион ривожланиш истиқболлари

Илми маъруза ва мақолалар
тўплами

I SHUЪBA

2019 йил 27-28 май

<i>Абдурахмонов Султонали Мукарарович, Билолов Иномжон Ўктамович. Республикада таълим тизимини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.....</i>	<i>181</i>
<i>Абдурашидова Нигора Алишеровна. Цифровая трансформация в экономике Узбекистана.....</i>	<i>187</i>
<i>Абдусаломова Нодира Баходировна. Қора металлургия саноати тармоғини ривожланиш стратегиясини такомиллаштириш.....</i>	<i>192</i>
<i>Айтбоев Мансурбек Юсупович. Ўзбекистонда миллий демократик тараққиётнинг янги босқичи.....</i>	<i>198</i>
<i>Ақбарова Мукаддас, Охунов Дилшод. Охунов Маматжон. Концепция маркетингового управления и стратегического планирования на рынке услуг сотовой связи.....</i>	<i>204</i>
<i>Акрамов Жаҳонгир Джуманазарови. Ҳаракатлар стратегияси Ўзбекистонда давлат бошқарувини модернизациялашнинг бош сиёсий-ҳуқуқий мезони сифатида,.....</i>	<i>209</i>
<i>Алиева М.Т. Туризмнинг миллий иқтисодиётда тутган ўрни ва ривожланиш хусусиятлари.....</i>	<i>214</i>
<i>Аллаяров Шамсиддин Амануллаевич. К теоретико-методологическим аспектам стратегии обеспечения экономической безопасности государства.....</i>	<i>219</i>
<i>Ахунова Гульчехра Назаровна, Шарафуддинова Фарангиз. Новая парадигма развития рынка образовательных услуг в условиях реализации стратегии действий.....</i>	<i>228</i>
<i>Аюбжонов А. Ҳ. Саидумаралихонов С.С. Ўзбекистонда хизматлар соҳаси - иқтисодиёт ривожланишининг муҳим омили.....</i>	<i>235</i>
<i>Баҳриддинов Виқоржон Акбар ўғли. Инфляцион таргетлаш сиёсатинининг хусусиятлари ҳамда уни Ўзбекистонда жорий этиш истиқболлари.....</i>	<i>240</i>
<i>Ганиева Муборак Адилевна. Ҳаракатлар стратегияси ҳамда Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш борасида амалга оширилаётган ислохотлар.....</i>	<i>248</i>
<i>Гришин Виктор Иванович, Стратегия инновационного развития: опыт российской федерации и Республики Узбекистан.....</i>	<i>253</i>
<i>Гулямов С.С., Таджитдинов К.Р. Расулова М.Т. Взаимосвязь инновационного потенциала и конкурентных преимуществ коммерческого банка.....</i>	<i>258</i>

ЎЗБЕКИСТОНДА ХИЗМАТЛАР СОҲАСИ - ИҚТИСОДИЁТ РИВОЖЛАНИШИНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аюбжонов А. Х.¹

¹ТДИУ, и.ф.н доцент, e-mail: a.ayubjonov@tsue.uz

Саидумаралихонов С.С.²

²ТДИУ, талабаси, e-mail: s.saidumaraliyev@tsue.uz

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасида, бозор ислохотлари босқичма-босқич амалга оширилгани ва пул-кредит сиёсати пухта ўйлаб олиб борилгани макроиқтисодий барқарорликни, иқтисодиётнинг юқори суръатлар билан ўсишини, инфляцияни прогноз кўрсаткичлари даражасида сақлаб қолиш таъминланди ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун кенг имкониятлар ва қулай шароитлар яратилишига хизмат қилди. Мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда барча соҳа ва тармоқлар билан бир қаторда хизматлар соҳаси ҳам алоҳида ўрин тутади.

Бугунги кунда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг бошқа соҳа ва тармоқлари ичида жадал ривожланиши билан ажралиб турибди. Ҳар биримиз ҳар куни хизмат кўрсатиш таъсирида бўламиз. Биз уяли алоқа, интернет, савдо-кўнгилочар марказлар, умумовқатланиш, гўзаллик салонлари, консалтинг, тиббий ва ўқув марказлари хизматларидан, турли транспорт воситаларидан фойдаланамиз. Бу барча хизмат турлари хизматлар соҳаси тушунчасини ташкил этади.

Хизматлар соҳаси – корхоналар, ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар томонидан кўрсатиладиган турли хизмат турларини такрор ишлаб чиқаришни ўз ичига олган жамланма соҳа ҳисобланади. Бошқача айтганда, хизматлар соҳаси тижорат, касбий ва маиший хизматлар кўрсатишга ихтисослашган мамлакат иқтисодиётининг тармоғи ҳисобланади. Хизматлар соҳаси инсоният тараққиётининг илк босқичларида пайдо бўлиб, жамиятнинг давлат ташкилотлари маъмурий аппарати, руҳонийлар томонидан ижтимоий хизматлар кўрсатилиши, мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича хизматлар (проффессионал армия, судьялар) каби хизмат турларини ўз ичига олган.

Президентимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек, "Саноат, қишлоқ хўжалиги, капитал қурилиш, транспорт–коммуникация, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳаларида салмоқли ютуқлар қўлга киритилди"¹⁸.

Жамиятнинг ривожланиши билан хизматларнинг янгидан янги соҳалари пайдо бўлди. Қадимги жамиятда деярли замонавий хизматларга мос келадиган

¹⁸ Ш.М. Мирзиёев "2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили". 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси –Т.: Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272

транспорт, савдо, илм-фан, соғлиқни сақлаш, таълим, молия, маданият, дам олиш ва ҳ.к. каби кенг кўламли хизматлар кўрсатилди. Фақат XIX-XX асрларда уларга нисбатан бирмунча янги турлар – алоқа, маркетингнинг айрим турлари, аудиторлик хизматлари қўшилди. XX асрнинг ўрталаригача хизматлар соҳаси нисбатан иккиламчи иқтисодий фаолият деб ҳисобланар эди. Гарчи у ишчиларнинг жуда катта қисмини камраб олса-да, асосан паст даражадаги малакага эга бўлган ходимлар (айниқса, хизматлар кўрсатишнинг энг катта соҳаси бўлган савдо соҳасида) эди. Айнан хизматлар соҳасининг иқтисодиётдаги паст роли туфайли XVIII асрдан XX аср ўрталаригача бу соҳадаги иш умуман жамият бойлигини кўпайтирмайди деб ҳисобланди. Хизматлар соҳасининг ривожланиш даражаси жуда паст бўлганлигининг асосий сабаблари давлат мулкнинг устуворлиги ва хизматлар соҳасини молиялаштириш қолдиқ принципи асосида амалга оширилганлиги бўлди. Хизматлар соҳасида барқарор ривожланиш XX асрнинг иккинчи ярмида нафақат ривожланган, балки ривожланаётган мамлакатларда ҳам кузатилди. Натижада хизматлар соҳасининг кўлами кенгайди ва мамлакат ЯИМнинг катта қисмини эгаллади.

Хизматлар соҳаси – саноат ва қишлоқ хўжалиги билан бир қаторда иқтисодиётнинг учта асосий таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши бўйича мамлакат иқтисодиётининг тараққиёт даражасини баҳолаш мумкин. Иқтисодий ривожланган мамлакатларда ЯИМ ўсишининг асосий қисми хизматлар соҳасига тўғри келади. Мисол учун, 2016 йилда хизматлар соҳасининг ЯИМдаги улуши АҚШда 78 % ни, Европада 70 % дан ортиқни, Хитойда - 51,6 % ни ташкил қилган. МДХ давлатларида, масалан, Қозоғистонда бу кўрсаткич 54,2 %, Белорусда 48,0 % ни ташкил этган. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 2017 йил январь-декабрь ойларида 47,3 % га тенг бўлди.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми (млрд.сўм ҳисобида)

	2010 й	2011 й	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й
Ўзбекистон Республикаси	26040,8	33702,5	42552,1	53650,2	65880,4	75356,8	92536,0	118811,0
Қорақалпоғистон Республикаси	539,0	1 012,7	1 288,6	1 626,7	2 036,3	2 391,4	2 949,4	3 611,3
Андижон	1 147,9	1 552,6	2 078,4	2 730,2	3 539,5	4 071,4	5 028,6	6 627,2
Бухоро	928,6	1 230,5	1 622,2	2 126,7	2 682,6	3 270,0	4 190,8	5 421,1
Жиззах	408,8	570,9	765,7	971,5	1 238,0	1 611,1	2 019,0	2 530,8
Қашқадарё	1 016,7	1 370,5	1 814,0	2 396,5	3 066,4	3 637,3	4 619,0	5 859,7
Навоий	675,7	942,8	1 196,4	1 470,4	1 855,7	2 175,4	2 718,8	3 068,4
Наманган	914,9	1 246,4	1 698,6	2 190,1	2 829,9	3 151,2	4 130,2	4 999,2
Самарқанд	1 465,3	1 927,4	2 577,9	3 352,5	4 273,1	4 847,4	6 060,0	8 343,2
Сурхондарё	797,3	1 087,2	1 455,0	1 929,5	2 488,3	3 080,8	3 858,4	4 485,5
Сирдарё	305,1	422,5	555,3	668,6	821,5	983,3	1 213,2	1 603,8

Strategy of actions in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 as an example of responsible public policy

Тошкент	2 329,3	2 845,4	3 604,3	4 615,2	5 775,7	6 726,4	8 450,4	9 347,4
Фарғона	1 295,3	1 808,9	2 408,3	3 144,9	3 999,1	4 664,4	5 895,9	7 602,2
Хоразм	758,9	926,8	1 203,5	1 572,0	1 917,4	2 192,3	2 695,2	3 645,5
Тошкент ш.	8 743,5	10 797,3	13 298,5	16 249,9	19 754,4	23 006,0	29 351,1	38 659,9

Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

1-жадвал маълумотларидан ҳудудлар бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажмини таҳлил қилсак, сўнги беш йил мобайнида мамлакат миқёсида кўрсатилган хизматлар қарийб икки баробарга ошганлигини кўришимиз мумкин (2013 – йилда 53650,2 млрд.сўм, 2017 – 118811,0 млрд.сўм). Ўсиш суръати юқори кузатилаётган ҳудуд Тошкент шаҳри (38659,9 млрд сўм, олдинги йилга нисбатан 118,0%), паст ҳудуд эса Наманган вилоятига тегишли (4999,2 млрд сўм, олдинги йилга нисбатан 103,6%).

Ҳозирги вақтда иқтисодий фаолият турлари бўйича хизматларни таснифлаш “Ўзстандарт” агентлигининг 2015 йил 19 январдаги 05-612-сонли қарори билан тасдиқланган ва жорий этилган **Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичига (МСТ) мувофиқ амалга оширилади.**

Бозор хизматлари ҳажми барча иқтисодий фаолият турлари бўйича маҳсулотларнинг (товарлар, ишлар, хизматларнинг) статистик таснифлагичига асосан таснифланган хизматларнинг тегишли қисми (G-S секциялар) бўйича шакллантирилади:

1. Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари.
2. Молиявий хизматлар.
3. Транспорт хизматлари.
4. Яшаш ва овқатланиш хизматлари.
5. Савдо хизматлари.
6. Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар.
7. Таълим соҳасидаги хизматлар.
8. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар.
9. Ижара хизматлари.
10. Компьютерлар ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар.
11. Шахсий хизматлар.
12. Меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар.
13. Бошқа хизматлар.

Ўзбекистонда иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми (млрд.сўм ҳисобида)

	2012 й	2013 й	2014 й	2015 й	2016 й	2017 й
Кўрсатилган хизматлар – жами	42552,1	53650,2	65880,4	75356,8	92536,0	118811,0
Жумладан, асосий турлари						

Strategy of actions in five priority areas of development of the Republic of Uzbekistan in 2017-2021 as an example of responsible public policy

бўйича:						
ахборот ва алоқа соҳасидаги хизматлари	3219,3	3749,8	4541,3	5181,5	6306,8	8196,7
молия хизматлари	4208,8	5546,5	6728,2	8206,7	9898,4	15023,8
транспорт хизматлари	14664,9	18339,4	21629,3	23643,7	26103,7	36217,2
шу жумладан: автотранспорт хизмати	6216,6	8091,3	10254,7	12317,8	14701,4	20232,9
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	463,4	590,1	732,3	890,6	3038,7	3649,6
савдо хизматлари	11533,6	14807,9	18976,0	21366,9	27368,2	32006,9
кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	1408,6	1755,3	2235,9	2757,3	3405,1	4026,5
таълим соҳасидаги хизматлар	1385,3	1793,0	2154,4	2681,4	3263,0	4402,0
соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар	498,8	671,9	868,1	1100,4	1416,3	1701,5
ижара ва лизинг бўйича хизматлар	902,7	1177,2	1494,6	1801,6	2270,1	2589,2
компьютерлар, шахсий фойдаланиш буюмлари ва маиший товарларни таъмирлаш бўйича хизматлар	944,1	1122,8	1388,4	1724,5	2187,9	2329,2
шахсий хизматлар	1233,6	1558,0	2049,2	2366,5	2915,5	3134,4
меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	537,2	661,1	748,7	841,0	1132,6	1611,7
бошқа хизматлар	1551,8	1877,2	2334,0	2794,7	3229,7	3922,3

Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Иқтисодий фаолиятнинг асосий турлари бўйича кўрсатилган хизматлар ҳажми тасвирланган 2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда транспорт (36217,2 млрд.сўм) ва савдо (32006,9 млрд.сўм) соҳасида кўрсатилган хизматлар энг юқори улушга эга. Энг паст улуш эса меъморчилик, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлил соҳасидаги хизматларга тегишли (1611,7 млрд.сўм). Лекин 2017 йилда 2016 йилга нисбатан энг юқори ўсишга эришган хизмат тури сифатида молия соҳасида кўрсатилган хизматларни кўрсатиш мумкин (136,5 %). Шу билан бир қаторда энг паст ўсиш суръати савдо соҳасида кўрсатилган хизматларда кузатилган (100,7 %).

2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” дастурида ҳам хизматлар соҳасини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги таклифларни келтиришимиз мумкин:

- хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш, ялпи ички маҳсулотни шакллантиришда хизматларнинг ўрни ва улушини ошириш, кўрсатилаётган хизматлар таркибини, энг аввало, уларнинг замонавий юқори технологик турлари ҳисобига тубдан ўзгартириш;

- саноат ва хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш;
- аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишни яхшилаш, аҳолига ижтимоий хизмат кўрсатишда давлат-хусусий шериклигини камайтириш;
- аҳолига тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатиш қулайлиги ҳамда сифатини ошириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш;
- аҳолини коммунал-маиший хизматлар билан таъминлаш даражасини ошириш ва замонавий технологияларни босқичма-босқич жорий этиш орқали қишлоқ жойларда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш;
- аҳолига транспорт хизмати кўрсатишини тубдан яхшилаш, йўловчи ташиш хавфсизлигини ошириш;
- театр ва томоша масканлари, маданий-маърифий ташкилотлар ва музейлар фаолиятини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш.

Миллий иқтисодиётнинг мутаносиблиги ва барқарорлигини таъминлашда хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш натижасида, мамлакатда янгидан – янги қўшимча иш ўринлари яратилади ва бу ўз навбатида, аҳолининг турмуш фаровонлигини яхшилашга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М. Мирзиёев “2019 йил – Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”. 2018 йил 28 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. –Т.: Халқ сўзи, 2018 йил 29 декабрь, № 271-272
2. 2017 - 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантирининг бешта устувор йўналиши бўйича “Ҳаракатлар стратегияси” ни амалга ошириш бўйича чора-тадбирлар.
3. Н.М.Соатов. “Статистика”. -Т.: Тиббиёт нашриёти, 2003 йил
4. Абдуллаев Ё. “Статистика назарияси”. –Т.: Ўқитувчи, 2002 йил
5. Шодиев Х. “Статистика нимани ўргатади” Т.: Ўзбекистон, 1985 йил
6. “Экономическая статистика”. Под пред. Ю. Иванова М.: Инфра-М 2017
7. Елисеева М. “Общая теория статистики” М.: Ф и С 2016.
8. www.stat.uz
9. www.norma.uz
10. www.lex.uz